

Сурияда вайронага айланган тарихий масжид қайта тикланди



16:40 / 23.02.2019 2977

Суриянинг Хамс вилоятида жойлашган Холид ибн Валид номидаги тарихий масжид қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда Ал-явм ахборот сайти хабар бермоқда.

Мамлакатда давом этган сурункали урушлар натижасида эътибордан мутлақо тушиб қолган бу қадимий масжид 2013 йилда жиддий зарар кўрган эди. Маълум бўлишича, масжиднинг қайта тикланишига Чеченистон Республикаси Президенти ҳомийлик қилган.

Хабарларга қараганда, Суриянинг амалдаги ҳукумати мамлакатдаги барча харобага айланган исломий тарихий обидаларни, масжиду мадрасаларни қайта тиклаш ишларини бошлаб юборган.

